



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 9, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST
VOLUME 9, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ермегов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети


1. Diloram Babajanova O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLARI:ILM-FAN DARG‘ALARI TARIXDA VA HOZIR.....	5
2. Nilufar Dalibayevna Djurayeva XOTIN-QIZLARGA MUNOSABAT MASALASIDA SOVETLAR SIYOSATI: MANBALAR TAHLILI VA TARIXSHUNOSLIK MASALALARI.....	13
3. Наргиза Абдурахманова ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АБУЛ БАРАКОТ НАСАФИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	30
4. Шерзод Таштурсунович Бахранов ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИНИ РИВОЖЛАНИШИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАРИ.....	37
5. Ixtiyor Voxodir o‘g‘li Voxodirov TURKISTON HARBIY OKRUGI TOMONIDAN 1916-YILGI JIZZAX QO‘ZG‘OLONING BOSTIRILISHI VA UNING OQIBATLARI.....	47
6. Наргиза Кенжаева ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ПРОСОПОГРАФИК МЕТОДНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ: ПОМИР РУС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ ЖАМОАВИЙ БИОГРАФИЯСИ (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	53
7. Lola Yusupovna Samatova IKKINCHI JAHON URUSHI DAVRIDAGI SOVET UCHUVCHI AYOLLAR BO‘LINMASI TO‘G‘RISIDA.....	66
8. Ismoil Alimbayevich Nurmetov O‘ZBEKISTONDA BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARINI (BRM) AMALGA OSHIRISH STRATEGIYASI.....	72
9. Malika Xaydarova Shaxriddin qizi AMIR TEMURNING JANGLARDAGI HARBIY MAHORATI.....	78
10. Feruza Erkinovna Atajanova OLIIY TA‘LIM SOHASIDAGI ISLOHOTLAR TENDENSIYALAR TAHLILI.....	83
11. Muborak Madrimovna Matyakubova XVI-XIX ASRLARDA XIVA XONLIGI BOZORLARIDA BOZORBOSHI, RAIS, MUHTASIB, SARROFLAR VA DALLOLLARNING FAOLIYATI VA HUQUQIY MAQOMI.....	89
12. Анварбек Муродович Омонов, Маъруфжон Нурулиевич Рўзиев КЎЛБУЛОҚ МАКОНИ ТОШ ИНДУСТРИЯСИНИНГ ТАҲЛИЛИГА ДОИР (ИЛК ПАЛЕОЛИТ ДАВРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА).....	94



Шерзод Таштурсунович Бахранов,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети,
Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий
ишлаш кафедраси ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИНИ РИВОЖЛАНИШИ: ЮТУҚ ВА МУАММОЛАРИ

For citation: Sherzod T. Bakhranov. DEVELOPMENT OF AGRICULTURAL SCIENCE IN THE UZBEK SSR: ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 5.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20082773>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола совет ҳукуматининг урушдан кейинги даврда Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон ССРда олиб борган сиёсатига бағишланган. Совет ҳукумати Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантиришга, яъни Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинларини ўрганиш ва уларни ягона миллий иқтисодиётга йўналтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратганлиги исботланган. Совет фармони билан Совет қишлоқ хўжалиги фанида асосий ўринни эгаллаган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги Академияси ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР даврида илмий тадқиқотлар олиб бориладиган илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилгани, уларда фан партия мафқурасига бўйсунганлиги ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва иқтисодий режаларни амалга оширишда фойдаланилганлиги исботланган. Мақолада СССРнинг Ўзбекистон ССРга нисбатан малакали мутахассислар билан таъминлаш ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга қаратилган кадрлар сиёсати таҳлили келтирилган.

Ушбу сиёсат СССРнинг бошқа минтақаларидан мутахассисларни юбориш, Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалиги фанининг ривожланишига ҳисса қўшган илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотларини яратишни ўз ичига олган. Шунингдек, мақолада илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинади, илмий тадқиқотлар, ишланмалар ва уларни амалга оширишнинг ролини кучайтириш масалаларига қаратилган. Совет ҳукумати илмий тадқиқот институтлари ва илмий тадқиқотлар билан шуғулланадиган бошқа бирлашмалар фаолиятига, айниқса ходимларни бошқариш билан мунтазам равишда аралашди, бу эса ушбу муассасаларнинг иши ва фаолиятига салбий таъсир кўрсатди.

Калит сўзлар: Сиёсат, Совет ҳукумати, Ўрта Осиё, Ўзбекистон ССР, урушдан кейинги давр, тараққиёт, фан, қишлоқ хўжалиги, академия, аграр фан, илмий-тадқиқот институти.

Шерзод Таштурсунович Бахранов,
доктор философии по историческим наукам (PhD),
преподаватель кафедры Военного патриотизма,
духовно-просветительского воспитания
и социальной работы с молодежью
Университета общественной безопасности
Республики Узбекистан

РАЗВИТИЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ НАУКИ В УЗБЕКСКОЙ ССР: ДОСТИЖЕНИЯ И ПРОБЛЕМЫ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена политике Советской власти, которую она проводила на территории Средней Азии, в частности, Узбекской ССР в послевоенное время. Доказано, что Советская власть уделяла внимание развитию сельскохозяйственной науки в Узбекской ССР, а именно с установлением советской власти особое значение приобрел также вопрос развития сельского хозяйства, изучения сельскохозяйственных культур и их ориентации на единое народное хозяйство. По советскому указу была создана Всесоюзная сельскохозяйственная академия, которая занимала ключевое место в советской аграрной науке. Доказано также, что в период Узбекской ССР были созданы научные исследовательские учреждения и организации, в которых проводились исследования, где наука была подчинена партийной идеологии и использовалась для укрепления советской власти и реализации экономических планов. В статье представлен анализ кадровой политики СССР в отношении Узбекской ССР, направленной на обеспечение квалифицированными специалистами и укрепление советской власти.

Эта политика включала в себя отправку специалистов из других регионов СССР, создание научно-исследовательских институтов и организаций, которые способствовали развитию в Узбекской ССР сельскохозяйственной науки. В работе также анализируются вопросы, связанные с деятельностью научно-исследовательских институтов и организаций; акцентируется внимание на вопросах усиления роли научных исследований, разработок и их внедрению. Советская власть систематически вмешивалась в деятельность научно-исследовательских институтов и других объединений, занимающихся научными исследованиями и особенно в кадровые постановки, что отрицательно оказывало влияние на работу, функционирование указанных институтов.

Ключевые слова: политика, Советская власть, Средняя Азия, Узбекская ССР, послевоенное время, развития, наука, сельское хозяйство, академия, аграрная наука, научно-исследовательский институт.

Sherzod T. Bakhranov,
Doctor of Philosophy in Historical Sciences (PhD), Lecturer
Departments of Military Patriotism, Spiritual and educational education
and Social work with Youth of the University of
Public Security of the Republic of Uzbekistan

DEVELOPMENT OF AGRICULTURAL SCIENCE IN THE UZBEK SSR: ACHIEVEMENTS AND PROBLEMS

ABSTRACT

This article is devoted to the policy of the Soviet government pursued in Central Asia, particularly in the Uzbek SSR, during the post-war period. It is proven that the Soviet authorities paid attention to the development of agricultural science in the Uzbek SSR; with the establishment of Soviet power, the issue of agricultural development, the study of agricultural crops, and their orientation toward a unified national economy gained special importance. By Soviet decree, the All-

Union Agricultural Academy was established, which occupied a key place in Soviet agrarian science. It is also demonstrated that during the period of the Uzbek SSR, research institutions and organizations were created, where scientific research was conducted, subordinated to party ideology and used to strengthen Soviet power and implement economic plans. The article presents an analysis of the personnel policy of the USSR toward the Uzbek SSR, aimed at providing qualified specialists and consolidating Soviet authority.

This policy included sending specialists from other regions of the USSR, as well as creating research institutes and organizations that contributed to the development of agricultural science in the Uzbek SSR. The article also analyzes issues related to the activities of scientific research institutions and organizations, emphasizing the strengthening of the role of scientific research, developments, and their implementation. The Soviet authorities systematically interfered in the activities of research institutes and other associations engaged in scientific work, especially in personnel appointments, which negatively affected the functioning of these institutions.

Index Terms: policy, Soviet power, Central Asia, Uzbek SSR, post-war period, development, science, agriculture, academy, agrarian science, research institute.

1. Долзарблги:

Совет ҳокимияти ягона халқ хўжалик мажмуасини ташкил этиш мақсадида барча иттифоқдош республикаларга ягона халқ хўжалиги мажмуасидаги ўрнини ажратиб берди ва бу ҳар бир республиканинг иқтисодий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Иттифоқнинг марказий ҳудудларида саноатлаштириш кенг авж олдирилган бўлса, бу саноатни хом ашё билан таъминлаш учун Ўрта Осиё республикалари мўлжалга олинди. Бу ўз навбатида кўрсатма шаклида бир ёқлама иқтисодий мажмуаларни вужудга келтириш учун имконият яратиб берарди. Халқ хўжалигини ривожлантириш аввало илмий тадқиқот ишлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, улар халқ хўжалигини ривожлантиришнинг илмий асосларини ечишлари керак эди. Советнинг сиёсати Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалиги ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ва хом ашё ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган эди. Бу мамлакатнинг саноатлаштириш ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун муҳим эди.

2. Тадқиқот усуллари ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси:

Мавзуни ёритишда материалларини тизимли таҳлил қилишга асосланган, объективлик, тарихий изчиллик каби тарихий усуллар тўплами қўлланилди.

Ўзбекистон ССР да қишлоқ хўжалиги фанининг ривожланиши тарихий, иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги тадқиқотларида жуда яхши ёритилган соҳадир, аммо уни ўрганиш даражаси тўлиқ деб ҳисобланмайди.

Совет даврида бу масала асосан социалистик қурилиш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишланган ишлар доирасида кўриб чиқилган. Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ва пахтачилик, ирригация, наслчилик ва қишлоқ хўжалигини механизациялашни ривожлантиришга бағишланган тармоқ илмий-тадқиқот институтлари фаолияти билан боғлиқ тадқиқотлар катта ҳисса қўшди. Ушбу асарлар асосан табиатда қўлланилган ва ҳисобот берилган ва Совет аграр сиёсатининг ютуқларини акс эттирган.

3. Тадқиқот натижалари:

Совет давлати ҳукмронлиги йиллари ҳукумат илм – фан ривожланишига маълум даражада маблағ ажратди. Фан ва техниканинг ривожланиши давлат сиёсатининг ғоявий рағбатлантириш берилган асосий йўналиши бўлди. Фан ва техника бутун совет давлати ҳукмронлиги йилларида кенгайиб ривожланиб борди. Жумладан, 1929 йилда СССРда 1263 та илмий ташкилотлар бўлган бўлса 1988 йилга келиб 5111 тани ташкил этди ва тўрт мартга ўсди.

Бу динамика фақат бутун Совет фан ва техникани ўсиши билан эмас, балки бутун мамлакатда ёйилиши билан ҳам боғлиқ бўлди. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакатнинг ғарбий ҳудудларидан кўчирилган ҳудудларда ҳам ривожланди.[1]

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, сиёсий жараёнлар таъсирида, хусусан, 1920-1930 йилларида илмий ходимлар рўйхати ўтказилмади. Лекин, 1918-1920 йилларда янги ташкил этилган илмий марказ ва илмий-тадқиқот институтлари ҳисобига илмий ходимлар сони кескин ошди.

Академик Ў.Ю.Шмидт ва Б.Я.Смулевич бошчилигида СССР Госплани томонидан ўтказилган тадқиқот материалларида кўрсатилишича, 1929 йил охирига келиб СССРда илмий кадрлар сони 30,5 минг нафари киши бўлган, улардан 11,6 илмий-тадқиқот марказларида банд бўлганлар, 16,5 минг нафари олий таълим муассасаларида, 2,4 минг нафари ишлаб чиқариш ташкилотлари ва давлат аппаратида ишлаганлар.[2]

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик экинларини ўрганиш ва уларни ягона халқ хўжалигига йўналтириш масаласи ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, Советларнинг 1917 йил октябрь ойидаги II Бутунроссия съезидан кейин 1929 йил 25 июнда СССР Халқ Комиссарлари Совети фармойиши билан В.Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик академияси (ВАСХНИЛ) ташкил этилди ва у совет аграр фанида ўзига хос ўрнига эга бўлди. Н.И.Вавилов унинг биринчи Президенти қилиб тайинланди.

Академия қошида дастлаб битта – Бутуниттифоқ амалий биология ва янги экинлар институти ишлади. Кейинчалик яна 11 та институт - қишлоқ хўжалик иқтисоди институти, қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти, тупроқшунослик, мелиорация, чорвачилик, жўхоричилиқ, балиқ хўжалиги ва кончилик тадқиқотлари институти ўз фаолиятини бошлади. Баъзи ташкилотлар курғоқчиликка қарши тадқиқотлари олиб бориши лозим бўлса, баъзи ташкилотлар ўсимлик зарақунандалари ва касалликларига қарши тадқиқотлари олиб борди.

1970 йилларга келиб академияга саккизта минтақавий, ўнта тармоқлар бўлими, 31 та бутуниттфоқ илмий – тадқиқот ташкилотлари қаради.[3] 1931 йилда СССР Фанлар Академияси хабарномаси чиқа бошлади. Ҳатто қишлоқ хўжалиги бўйича фундаментал кутубхоналар ҳам очилди. Бирок, буларни етарли даражада малакали мутахассислар билан таъминлашнинг имкони ҳам йўқ эди.

1930 йиллардан қишлоқ хўжалик фанларига сиёсат кириб келди. “Халқ отаси” Сталинга эртақлардаги сифат катта қишлоқ хўжалик ҳосилдорлиги керак бўлганлиги сабабли мажлислардаги қишлоқ хўжалигининг келажакдаги ютуқлари ҳамдаги маърузалар ўрни олди. Бу ҳақида совет қишлоқ хўжалик фани ривожланишига катта ҳисса қўшган, ўсимликлар генетика ва селекцияси билан шуғулланган 1929-1935 йиллар давомида В.Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг биринчи Президенти бўлган Н.И. Вавилов Г.Дж.Мёллерга ёзган хатида “биз барчамиз интернационалистлармиз ва ўзимизни жаҳон илмидан узоқлаштирмамиз”, деган эди. Бунга жавобан И. Сталин “бизда фанни интернационаллаштириш овоза қилинмоқда. Фанни интернационаллаштириш ғояси – бу айғоқчилик ғоясидир. Бундай олимларни уриш керак”[4], деди.

Шу ўрнида таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш йўлида тадқиқот олиб борган совет олимлари дарҳақиқат эътиборга молик ишларни амалга оширдилар. Масалан, Н.И. Вавилов ўзи ер шарининг ўсимлик дунёси билан таниши мақсадида бир неча илмий экспедициялар ташкил этди. 1920-1930 йиллар давомида совет иттифоқининг ўзида 180 дан ортиқ, хориж давлатларида 50 дан ортиқ экспедициялар уюштирди. У ўз илмий экспедициясини Марказий Осиёдан бошлади.[5] Н.И.Вавилов ҳаётлигида ўсимликлар коллецияси сони 250 мингга етди. Олим томонидан совет иттифоқига хориждан 60 минг атрофида нодир ўсимлик навлари, уруғлар келтирилди. Совет иттифоқи бўйлаб илмий экспедицияси давомида Н.И.Вавилов географик марказлар ташкил этди. Картошканинг ёввойи ва маданий навларини ўрганди, уларни касалликларга чидамлилигини таҳлил этди. 1934 йилда инглиз профессорлари А.Грей, В.Д.Купер ва Д. Лоуренс Буюк британия ҳукуматида ҳисоботида “Россиядан ташқари бирорта бир мамлакатда селекция учун ер шарининг турли ерларида ўсадиган ёввойи ва маданий экинлар бунчалар кўп ўрганилмайди”, деб ёзди.[6] Н.И.Вавилов генетика ва селекция масалаларида

тадқиқотларни олиб борди, бироқ 1930 йилларга келиб унинг илмий қарашлари ўша давр мафкуравий қарашлари билан ҳамоҳанг бўлмади. Н.И.Вавилов халқаро ҳамкорлик масалаларига, қишлоқ хўжалик ўсимликларининг генетика ва селекцияни жиддий ўрганишга алоҳида эътибор қаратган эди. Бироқ, совет давлатининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳаракатлари Н.И.Вавиловнинг “давлат иттифоқи, фан ва ер” [7] деган қарашларига тўғри келмади. Н.И.Вавилов 1940 йил август ойида қамоққа олинади ва 1943 йил 26 январда қамоқда очликдан вафот этади.[8] Н.И.Вавилов қамоққа олинганга қадар турли илмий ташкилотларга 5 млн. пакетда турли ўсимликларнинг уруғини, мевали ўсимликларни эмлаш учун 1 млн. томирларни тарқатди.[9]

Совет агрономии ва биолог Т. Лысенко ва унинг издошлари эса Н.И.Вавиловнинг қарашларини рад этди Т. Лысенко ўсимликларни "тарбиялаш", яъни тезлаштириш, ўғит, кимёвий моддалар билан қишлоқ хўжалигини тезда ривожлантириш ғоясини таклиф этди.[10] 1948 йил 31 июнда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг сессиясида бу вақтларда академия президенти бўлган Т. Лысенко “буржуазия генетикаси”га қарши чиқди. Т. Лысенконинг сессияси қилган маърузаси юқори раҳбариятга ҳам маъқул келиб, илмий тадқиқотларни четлаган ҳолда ҳосилдорликни тезроқ оширишни қўллаб-қувватлади.

Ҳатто, 1934 йилда Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти (ВИР) коллекцияси 200 минг наъмунадан иборат бўлиб, улардан 304 тури, 2260 турини ташкил этиб, жаҳонда энг катта коллекция ҳисобланди. 1939 йилда Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти (ВИР)нинг[11] йиллик ҳисоботи ВАСХНИЛ томонидан қабул қилинмади. Институт илмий тадқиқотлари натижалари “кераксиз” деб эълон қилинди.[12] Совет иттифоқида Генетика фанини ўрганиш ва тадқиқ этишга тақид қўйилди ва бу фақат 1964 йилдан бошлаб яна тикланди.

Албатта сиёсат илм – фанга кириб борсада, илмий кадрлар сони ва сифатида маълум ўзгаришлар бўлди. 1930 йилларда қатор олий ўқув юртлари очилди, профессор-ўқитувчилар сони ортди, лекин илмий-тадқиқот олиб борувчилар сони 1,5 мартага камайиб кетди. Бу илмий ҳисоботларда қўшиб ёзиш ҳолатлари ошириб, ўз ихтиссослигининг тўлиқ эгаси бўлмаган мутахассисларни сонини кўпайтириб юборди.[13]

1940 йилда СССР Марказий Статистика Қўмитаси маълумотларида мамлакатда 98,3 минг нафар илмий ходим қайд этилди, Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан мамлакатда илмий кадрлар сони қисқариб, илмий ташкилотлар сони сақланиб қолди. Уришдан кейинги йилларда уришдан қайтиб келганлар ҳисобига 1950 йиллардан илмий тадқиқотчи кадрлар сони икки мартага ортди.[14]

Илмий - тадқиқот ишларига маъмурий бошқарувнинг аралашуви ҳолатлари кучли бўлганлиги боис, бу борада ҳам оқсашлар кучайди. Бу тадқиқотчилар томонидан “илмий бюрократия” деб аталиб, бу хусусда венгер тадқиқотчиси Ш.Салаи “илмий бюрократия замонавий жамиятда тадқиқотларнинг қандай йул билан бориши ва ривожланишига таъсир ўтказиши”[15], деб ёзган эди.

Генетика фанини ўрганиш ва тадқиқ этишга, илмий тадқиқот ишларига қўйилган тўсиқлар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириб юбориш мақсадидаги Т.Д.Лысенконинг “ўсимликларни” тарбиялаш йўли билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳаракатлари ўзини оқламади, совет ҳукумати илмий – тадқиқот янгиликларини қишлоқ хўжалигига қўллаш ҳаракатлари бошланди. Бутун мамлакат бўйлаб илмий тадқиқот ишларини тарғиб қилиш ҳаракатлари бошланди.

1961 йил 17 январда КПСС МҚ пленумида маъруза қилган Н.Хрушев “Илмий муассасаларга раҳбарлик қилиш, фанни янада ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик илғорларининг тажрибаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш Қишлоқ хўжалик министрлигининг асосий иши бўлиши лозим. Қисқача қилиб айтганда, Қишлоқ хўжалик министрлигининг фаолияти биринчи навбатда ҳамма колхозлар ва совхозларга мамлакатнинг илғор хўжаликларидан бўлган ишлаб чиқариш даражасига эришиб олишлари учун ёрдам беришга қаратилиши лозим”, деб таъкидлади. Чорва молларининг зотларини

районлаштириш, наслдорлик иши, ветеринария хизмати кўрсатиш, карантин хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалик адабиёти нашр қилиш, илмий техника ва бошқа оммабоп фильмлар чиқариш сингари масалалар СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг қарамоғида бўлиши лозим, деди.[16] Бу вақтларда СССРнинг қишлоқ хўжалик билан боғлиқ органлари бир неча номларда қатталаштирилди ёки бўлиб юборилди.[17]

1960 йилларда илмий ташкилотлар сони ортиб, 1961-1965 йилларда бутун 50 йил давомида очилган муассалалар сони купайди. 1961 йилдан бошлаб конкурс асосида ишга қабул қилиш бошланди. Лекин, халқ хўжалигини ўстириш, капиталистик давлатлар ўтиб кетиш каби қуруқ ғоялар билан “қанча кўп бўлса шунча яхши” шиори остида бошлаган бу амалиёт билан 1950-1965 йилларда илмий ходимлар сони 4 мартага ошди. Агар халқ хўжалигида банд бўлганлар 1940 йиллардан 1970 йилларгача 1,7 мартага ошган бўлса, биргина 1960 йилларда 27 фоизга ошди, 1970 йилда бўлса 18 фоизни ташкил этди.

Иқтисодий инқозлар кучайиб бориши билан фоиз пасайиб кетди, 1980 йилларда 4 фоизни ташкил этди. 1980 йилга кўринган бу ҳолат тармоқлар ўртасида талабга бўлган рақобатнинг ошиши билан кўзга ташланди ва фан ҳам кўплаб меҳнат ресурсларини талаб этди.[18] Бундай ўсиш “ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулотларига талабнинг ортиши ҳисобига содир бўлиб, бу янги илмий ташкилотлар ва янги вакансияларнинг яратилиши билан қопланди”. [19]

1969 йил КПСС МҚнинг иқтисодий районларда илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини ташкил этиш ва борларини кенгайтириш йўли билан мамлакат иқтисодий салоҳиятини ўстириш мақсадида “РСФСРнинг алоҳида иқтисодий районларида илмий тадқиқот ташкилотларини ривожлантириш ҳақида”ги фармойиши қабул қилинди. Бу ташкилотларни малакали кадрлар билан таъминлаш эҳтиёжидан келиб чиқиб қабул қилинган ҳужжат бўлди.

Мамлакатда фан ва техниканинг ривожланиши, илмий-тадқиқотларнинг олиб борилиши, илмий тадқиқотларнинг халқ хўжалигига жорий этилишида СССР Фан ва техника бўйича давлат комитети (ГКНТ СССР) ҳам муҳим рол ўйнади. У 1948 йилда халқ хўжалигига янги техникаларни жорий этиш ташкилоти сифатида ташкил этилиб, фан ва техникани ривожлантиришда бир қатор вазифаларни бажарди. 1965-1978 йилларда СССР Министрлар Советининг Фан ва техника бўйича Давлат комитети деб номланди. Кейинчалик СССР Фан ва техника давлат комитети деб номлана бошлади.

1961 йилга келиб бутун Совет Иттифоқидаги республикаларда Фанлар Академияси ташкил этилди. СССРда юқорида даражада ривожланган илмий марказлар Киев, Харьков, Свердловск, Минск, Тбилиси, Ереван каби йирик шаҳалар бўлди.[20] Киевда ишлаётганларнинг 10 фоиздан ортиғи, Тбилисида 20 мингдан ортиқ, Тошкентда 26 мингдан ортиқ, Ереванда 10 мингдан ортиқ киши фан ва илмий тадқиқот билан шуғулландилар.[21] Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.[22] Лекин совет илм – фанида ўсишнинг оқшашига фақат меҳнат ёки бошқа ресурсларнинг етишмаслиги эмас, фаннинг якуни сифатида янги техника, технология тизими, истеъмол маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиб боришини жорий этиш учун жуда кўп маблағ талаб этди. СССР илмий базаси 3 мингта тажриба ишлаб чиқариш базасига эга бўлди, унда 1 млн. киши ишлади. Лекин, уларнинг ярми илмий тадқиқот натижаларини қўллаш ва натижа олиш имконига эга бўлмаганлар, тажриба участкаларига эга бўлмадилар.[23] 1966-1970 йилларда ихтиро қилинган лойиҳалар намуналаридан 2,5 мартага кам фойдаланилди. Хуллас, "Технология ва фан ривожланишининг маълум миқдорий кўрсаткичларининг ўсишининг асосий мақсадини эълон қилган илмий-техник тараққиётнинг мафқураси ва амалиёти эртами-кечми интенсив бошқарув йўлига ўтишнинг тарихий муқаррарлиги билан зиддиятга тушиши керак эди".[24] Юқоридагиларга Қишлоқ хўжалигидаги илмий-ташқилий органлари қишлоқ хўжалигидаги оқашларни илмий тажриба тармоқларидаги камчиликлар деб курсатилар.

Жадвал

СССР ва иттифокдош республикаларда илмий ходимларининг илмий тадқиқот билан шуғулланадиганлар (минг киши ҳис.)

		1940	1960	1980	1988
	СССР	98,3	354,2	1373, 3	1522, 2
	РСФСР	62,0	242,9	937,7	1032, 1
	УССР	19,3	46,7	195,8	219,3
	БССР	2,2	6,8	38,1	44,1
	ЎзССР	3,0	10,3	35,3	40,2
	ҚазССР	1,7	9,6	37,4	41,4
	ГрузССР	3,5	9,2	25,2	29,0
	ОзССР	1,9	7,2	22,0	22,7
	ЛитССР	0,6	3,3	14,3	15,4
0	Молдова ССР	0,2	2,0	8,8	10,2
1	ЛатвССР	1,1	3,4	12,6	14,0
2	ҚиргССР	0,3	2,3	8,2	10,1
3	ТоҷССР	0,4	2,2	7,6	9,1
4	АрмССР	1,1	4,3	19,1	21,8
5	ТуркССР	0,5	1,8	5,0	5,7
6	ЭстССР	0,5	2,2	6,2	7,1

Бу вақтда илмий тадқиқот институтлари “умумназарий” характердаги мавзуларга тўлиб кетди. Масалан, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштиришнинг институтида 1972 йил 6 та мавзу бўйича 26 та бўлим, 90 та кичик бўлимлар ишлади. Улардан 53 таси пахтачиликни механизациялашга, 6 таси электрлаштириш ва автоматлаштиришга, 7 таси ипакчиликни механизациялаштиришга, 5 таси чорвачиликни механизациялашга, 19 таси пахта билан боғлиқ бўлмаган қишлоқ хўжалик экинларини механизациялаш билан боғлиқ мавзулар бўлди.[25]

Мавзуларнинг биринчиси табиийки, “Ўзбекистоннинг асосий ҳудудла-рида 1971-1975 йиллар учун машиналарни киритиш ва уларнинг самарадор-лигини аниқлаш” бўлиб, унинг “а” пункти пахтачилик бўлди, “б” пункти эса беда билан ишлаш ҳисобланди. Ўзбекистон ҳудудларидаги пахта экиладиган ерларда бедани ўриб олиш КВП-3,0 ва ПК-1,6 янги машиналарини ўз вақтида етказиб берилмаганлиги боис 30 фоизга кам бажарилган. Бу каби ҳолатларни 1976-1980 йилларда тўла бажариш учун бу лойиҳа муҳим ҳисобланган.

Биринчи мавзунинг иккинчи бўлими “Ўзбекистон ССРда 1976-1980 йилларда ўсимликшуносликни комплекс автоматлаштирадиган ва механизациялаштирадиган машиналар тизимини аниқлаш” деб номланиб, унинг ҳам “а” пункти пахта хом ашёси бўлди. Лойиҳанинг кейинги бўлимлари “б”, “в” пунктлардан иборат бўлиб, улар ҳам бевосита пахтачиликда машинасозликни ва механизациялашни ривожлантириш, самарадорлигини оширишга қаратилди. Лекин бу лойиҳалар юқори давлат органларининг машиналар тизимидаги хатоликлар кўрсатиб берганлиги боис кўпинча ортда қолган. Жумладан, лойиҳаларни амалга ошириш учун “Узсельхозтехника”нинг фармойишлари керак бўлган, мамлакатдаги машинасозлик корхоналарининг иштироки ҳақида маълумотнома керак

бўлган. Ҳатто, тележжаларнинг тайёр эмаслиги ҳам лойиҳаларни тўла қонли амалга оширишга имкон бермаган. Деярли барча лойиҳалар қандайдир ташкилот билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган сабабли тўлиқ бажарилмаган. Масалан, “Ўзбекистон ССРда 1976-1980 йилларда ўсимликшуносликни комплекс автоматлаштирадиган ва механизациялаштирадиган машиналар тизимини аниқлаш” деб номланган лойиҳанинг 13 бўлим “е” пунктида “Пахтачиликда механизаторлар меҳнатини илмий ташкил этиш (НОТ) усулларини тадқиқ этиш ва қайта ишлаш” деб номланган. Меҳнатни илмий ташкил этиш вазифалари белгиланган, лекин оддий Тошкент трактор заводи экспериментал кабинали тракторларни ўз вақтида етказиб бермади.[26]

1976 йил 26 августда КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг “Қишлоқ хўжалик фани самарадорлигини ошириш ва уни ишлаб чиқариш билан алоқаларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳақида”ги фармойиши чиқди. Қарорда “қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан ютуқлари ва тажрибаларнинг жорий этилмаганли, фаннинг муҳим янгиликлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида кенг қўлланилмаётганлиги жиддий камчиликлардан бири сифатида кўрсатилди. Натижада, айнан илм-фандаги янгиликларни жорий этишга яна маъмурий органлар аралаштирилди.

Министрликлар, ташкилотлар, партия ва совет органларига “қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан, техника, илмий-техник янгиликларни жорий этиш вазифалари топширилди”. Бунинг учун режалаштириш ташкилотлари, молия органлари жалб этилди. Қишлоқ хўжалик ташкилотларида илмий янгиликларни жорий этилишини координация қиладиган ташкилотлар тузилди. Бу вазифаларда давлат органлари фаол бўлиши лозим эди.[27] Бироқ, илмий-тадқиқот ишларига маъмурий бошқарувнинг аралашishi холатлари кучли бўлганлиги боис, бу борада ҳам оқсашлар кучайди. Бу тадқиқотчилар томонидан илмий бюрократия деб аталиб, бу хусусда венгер тадқиқотчиси

Ш.Салаи “илмий бюрократия замонавий жамиятда тадқиқотларнинг қандай йил билан бориши ва ривожланишига таъсир ўтказди”,[28] деб ёзган эди. Қишлоқ хўжалигининг оқсаши бюрократлаштиришдан ташқари меҳнат тартибини бузиш, хўжасизлик, давлат мулкни талон-тарож қилиш кабилар оддий ҳолга айланиб қолиш ҳам кучайиб кетди. Агар ўғрилиқ оддий ҳолга айланган бўлса, технологик бузилишлар оммавий ҳолга айланиб бўлган эди.[29]

1980 йилларда замонавий илмий бюрократия илмий администрациянинг марказий ихтиссослашган штати ҳамда илмий тадқиқотларда бевосита иштирок этмасдан илмий-тадқиқот марказларининг фаолияти билан шуғулланадиган мутахассислашган маъмурий аппарат каби қатламлардан иборат бўлди. Бу қатламларнинг илмий мавзуларига катта таъсир ўтказадиган яна бир юқори қатлам бўлиб, улар тадқиқот институтларининг бошқарув органлари, гуруҳ раҳбарлари, сектор бошлиқлари эди.[30]

СССР илмий базаси 3 мингта тажриба ишлаб чиқариш базасига эга бўлди, унда 1 млн. киши ишлади. Лекин, уларнинг ярми илмий тадқиқот натижаларини қўллаш ва натижа олиш имконига эга бўлмаганлар, тажриба участкаларига эга бўлмадилар.[31]

1988 йил охирига келиб бутун совет иттифоқида 5111 илмий тадқиқот муассасалари бўлиб, уларнинг 20 таси Фанлар Академияси, 23 таси Фанлар Академиясининг илмий марказлари, 2722 илмий - тадқиқот институтлари, илмий - тадқиқот институтларининг 528 та филиал ва бўлимлари, 61 та илмий - тадқиқот лабораториялари, 341 та илмий тажриба станциялари, илмий – тадқиқот ишларига йўналтирадиган 13 та бўлим, 15 та обсерватория, 24 та ботаника боғи ва дендрания, 16 та қўриқхоналардан иборат бўлди.[32]

Уларнинг баъзилари мустақил тадқиқот ишлари олиб боришни йўлга қўйдилар. Ш.Салаи шундай ёзади, “билимнинг баъзи тармоқлари эски стандартлар билан етарли даражада “кичик илм” билан зарарланганлар, институтдан ташқари эса “тадқиқот” даражасида гуллаб-яшнамоқдалар”.[33] Авваллари барча илмий ходимлар давлат ташкилотлари ходими бўлган бўлса, кейинчалик илмий – тадқиқот институтларига илмий – техник кооперативлар ходимлари, бошқа илмий тадқиқот ишларига яқин бўлган турли ташкилотлар ходимлари кириб кела бошлади.

Хулоса:

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, кадрлар сиёсати ва улар билан боғлиқ масалалар жамоатчилик билан алоқалар тизимида ҳам, шу жумладан жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жихатларида ҳам, қишлоқ хўжалиги фанлари каби жамиятнинг маънавий соҳасида ҳам совет ҳокимиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолди. Совет ҳукумати қишлоқ хўжалиги соҳасида иштирок этадиган илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотларини яратишга ҳам эътибор қаратди. Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг ролини кучайтириш, иқтисодий ўсиш ва аниқ ҳудудларни ривожлантиришга эътибор қаратилди, бу нафақат илмий ташкилотлар сонининг кўпайиши ва молиялаштиришни, балки уларнинг иш самарадорлигини оширишни, шунингдек, минтақа иқтисодиётининг эҳтиёжларига кўра, ишлаб чиқариш сектори ва реалъ сектор билан яқин интеграцияни англади. Совет ҳукумати илмий тадқиқот институтлари ва илмий тадқиқотлар билан шуғулланадиган бошқа бирлашмалар фаолиятига, айниқса ходимларни бошқариш масалаларига қонуний равишда аралашди. Бу уларнинг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Наука в СССР: О чем говорит статистика. Инфографический альбом. – Москва. Российский государственный гуманитарный университет, 2023. – с. 40.
2. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 39.
3. Касым Ахат. История всесоюзной академии сельскохозяйственных наук / <https://world-nan.kz/blogs/istoriya-vssoyuznoyi-akademii-selskokhozyayistvennykh-nauk>. Мурожат қилинган сана 2025 йил 14 июль.
4. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 19.
5. Гончаров Н.П. Экспедиции Н.И.Вавилова // Вавиловский журнал генетики и селекции. 2012. Том 16, -№3. – 562.
6. Александров В.Я. Трудные годы советской биологии. Записки современника. СПб, 1992. -с 86.
7. Вавилов Н.И. “Жизнь коротка, надо спешить”. Публицистика классиков отечественной науки. – Москва. Сов. Россия, 1990. – с.345.
8. Драгавцев В.А. Николай Иванович Вавилов – один из великих ученых земли в области генетических ресурсов растений // Известия ТСХА. Выпуск 4, 2012. – с.85.
9. Гончаров Н.П. Экспедиции Н.И.Вавилова // Вавиловский журнал генетики и селекции. 2012. Том 16, -№3. – 566.
10. Гончаров Н.П. Экспедиции Н.И.Вавилова // Вавиловский журнал генетики и селекции. 2012. Том 16, -№3. – 565.
11. 1924 йил Совнарком фармойишига кўра амалий ботаника бўлими “Бутуниттифок амалий ботаника ва янги экинлар институти очилиб (ВИПБиНК), 1930 йилда Бутуниттифок ўсимликшунослик институтига (ВИР) айлантиралади.
12. Драгавцев В.А. Николай Вавилов – один из великих ученых земли в области генетических ресурсов растений // Известия ТСХА. Выпуск 4, 2012. – с.82.
13. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 39.
14. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 39.
15. Салаи Ш. Замечания о научной бюрократии // Социальные показатели в системе научно – технической политики. – М. 1986. – с. 386-387.
16. Халқ фаровонлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифалари. КПСС Марказий Комитети Пленумида 1961 йил 17 январда ўртоқ Н.С.Хрушев нутқи // Қизил Ўзбекистон 1961 йил 22 январь.
17. 1929-1946 йилларда СССР Ер ишлари бўйича Халқ Комиссарлиги, 1946-1947 йилларда Ер ишлари министрлиги, 1947-1953 йилларда СССР Қишлоқ хўжалик

министрлиги, 1953-1984 йилларда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва тайёрлаш деб номланди.

18. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 40.
19. Журнал //Вестник Академии наук СССР. 1987. -№3, - с.35.
20. Каныгин Ю., Ботвин В. Проблемы развития и использования научного потенциала крупных городов. – Киев. 1980. – с. 31-34.
21. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 107.
22. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 97.
23. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 24-26.
24. Организация управления: проблемы перестройки. – Москва. 1987. – с. 166.
25. Ўз МА. Р-90, рўйхат – 10, йиғма жилд – 5046, - 106 варақ.
26. Ўз МА. Р-90, рўйхат – 10, йиғма жилд – 5046, - 112 варақ.
27. Рычков А. В. Не состоявшийся поворот: из истории организации внедрения достижений науки в сельское хозяйство в СССР в 1970-е гг. // Вестник Томского государственного университета. 2017 -№422, - с. 157.
28. Салаи Ш. Замечания о научной бюрократии // Социальные показатели в системе научно – технической политики. – М. 1986. – с. 386-387.
29. Рычков А. В. Несостоявшийся поворот: из истории организации внедрения достижений науки в сельское хозяйство в СССР в 1970-е гг. // Вестник Томского государственного университета. 2017 -№422, - с. 160.
30. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 24-25.
31. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 24-26.
32. Народное хоз. СССР в 1988 г. – с. 275. Научные кадры – 93 бет.
33. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - с. 28.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000